

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 16-22/Б

Андижон шаҳри

« 20 » декабрь 2022 йил

Ушбу пудрат шартномаси «Буюртмачи» деб аталувчи “Андижон медиатаълим техникуми” ва унинг номидан Низом асосида иш олиб боровчи директори И. Ишқоқов бир томондан ва «Хизмат курсатувчи» деб аталувчи “Нурафшон Электр лойиҳа” мчж ва унинг номидан Низом асосида иш олиб боровчи раҳбари З.Ворисов иккинчи томондан келишув асосида амалдаги қонунларга мувофиқ тузилди.

I. ШАРТНОМАНИНГ МАВЗУСИ

1.1. «Хизмат курсатувчи» мазкур шартнома шартларига мувофиқ «Буюртмачи»нинг “Андижон медиатаълим техникуми”га 10 кВт куёш панеллари тупламини етказиб бериш ва урнатиш ишларини бажариб беради.

II. ШАРТНОМАНИНГ БАХОСИ ВА ХИСОБ КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Бажарилиши лозим бўлган ишлар «Буюртмачи» томонидан тасдиқланган сметага ва танлов комиссиясининг қарори билан тасдиқланган ишлар кушилган қиймат солиғи билан жорий нархларда **125 000 000 (Бир юз йигирма беш миллион) сўмни** ташкил этади.

2.2. Бажариладиган ишлар қиймати узил кесил ҳисобланиб, факатгина ишлар ҳажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганида ва форс мажор ҳолатлари сабаб бўлганида қайта кўриб чиқилиб, томонлар ўртасида қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

2.3. Шартнома томонлар ўртасида имзоланиб, тегишли Ҳазначилик бўлимида рўйхатга олингандан сўнг 10 банк иш кунида «Буюртмачи» бажариладиган ишлар умумий қийматининг 30 фоизини яъни **37 500 000 (Уттиз етти миллион беш юз минг) сўмни** туловлар кетма кетлигига асосан олдиндан аванс тариқасида «Хизмат курсатувчи»нинг ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

2.4. Бажарилган ишлар учун тўловларнинг қолган 70 фоизи, яъни **87 500 000 (Саксон етти миллион беш юз минг) сўмини** «Хизмат курсатувчи» томонидан топширилган бажарилган ишлар далолатномаси ва бажарилган ишлар қийматлари тўғрисидаги маълумотномалар асосида ўтказиб беради.

2.5. «Буюртмачи» охириги тўловни «Хизмат курсатувчи» томонидан иш тўлиқ бажариб топширилиб, қабул қилиш – топшириш далолатномаси ва бажарилган ишлар қийматлари тўғрисидаги маълумотномалар асосида 30 банк иш кунидан кечикмаган муддатда ўтказиб беради.

2.6. Бажарилган ишлар учун тўловлар «Буюртмачи» томонидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

III. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. «Хизмат курсатувчи»нинг мажбуриятлари
Шартнома имзолангандан сўнг иш бажариладиган объектни «Буюртмачи»дан далолатномага асосан қабул қилиб олади.

Мазкур шартномада илова қилинадиган тўлов жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови амалга оширилгандан бошлаб 5 кун муддат ичида ишларни

бажаришга киришадн ва ишларни бажарини календар графигига асосан 5 (беш) кун муддатда ишларни бажариб топширади.

Барча ишларни тасдиқланган смета хужжатларига мувофик, мазкур шартномада назарда тутилган хажмда ва муддатларда ўзининг кучлари билан бажариш ҳамда «Буюртмачи»га мазкур шартнома шартларига мувофик топширади.

3.2. «Хизмат курсатувчи»нинг ҳуқуқлари

Бажариб берилган иш учун олдиндан аванс ҳақ тўланишини ва ишни бажариб топширгандан сўнг тўла хажмда ҳисоб китоб қилинишини талаб қилиш;

Бажариб берилган ишни қабул қилиб олиш асоссиз равишда рад этилиши натижасида етказилган зарарни қопланишини талаб қилиш;

3.3. «Буюртмачи»нинг мажбуриятлари

Тасдиқланган смета бўйича бажарилган ишларни қабул қилиб олиш;

Бажарилган ишлар учун ўз вақтида ҳақ тўлаш;

3.4. «Буюртмачи»нинг ҳуқуқлари

«Хизмат курсатувчи»дан амалдаги давлат стандартлари ва бошқа меъёрий хужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

Камчиликларни бепул бартараф этилиши ёки камчиликларни бошқа шахс томонидан тўғриланиши харажатларини қопланишини талаб қилиш;

«Хизмат курсатувчи»дан шартномада курсатилган ишларини қабул қилиш комиссияси иштирокида лойиха хужжатлари асосида ишни сифатли бажарган ҳолда қабул қилиб олиш;

«Хизмат курсатувчи» томонидан ишлатиладиган материаллар ва асбоб ускуналарни шартнома шартларига ва иш хужжатларига мувофиқлигини назорат қилиш;

IV. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажармаса мажбуриятни бажармаган томон иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди;

4.2. «Хизмат курсатувчи» объектни ўз вақтида топширмаганлиги учун «Буюртмачи»га ҳар бир кечиктирилган кун учун шартнома мажбуриятлари бажарилмаган қисмининг 0,5% миқдорида пеня тўлайди. Тўланадиган пеня суммаси бажарилмаган мажбуриятлар баҳосининг 50 % идан ошмаслиги керак.

4.3. Аниқланган нуқсон ва камчиликлар «Хизмат курсатувчи» томонидан ўз вақтида бартараф қилинмаса «Буюртмачи» тўловлар тўхтатилади. Лозим даражада бажарилмаган ишларнинг 20 % и миқдорида «Пудратчи» жарима тўлайди.

4.4. Бажарилган ишлар учун «Буюртмачи» томонидан ўз вақтида ҳақ тўланмаса, ҳар бир кечиктирилган кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 %и миқдорида пеня тўлайди. Тўланадиган пеняларнинг умумий суммаси кечиктирилган тўловларнинг 50 %и миқдоридан ортмаслиги керак.

4.5. Тўланадиган пенялар шартнома мажбуриятларини бузган тарафни иккинчи тарафга ана шу мажбуриятларни бажармаслик оқибатида етказилган зарарни қоплаш жавобгарлигидан озод этмайди.

V. ФОРС МАЖОР ХОЛАТЛАР

5.1 Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни тўлиқ ёки қисман бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари

натijasida келиб чиқса ва бу ҳолатлар шартнома шартларини бажарилишига бевосита таъсир этса томонларнинг жавобгарликдан озод этилиши Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

VI. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ, БЕКОР ҚИЛИШ ВА НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

6.1. Мазкур шартнома белгиланган шаклда томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ ўзгартирилиши ва бекор қилиниши мумкин.

6.2. Мазкур шартнома бўйича юзага келиши мумкин бўлган низо ва келишмовчиликлар ўзаро муҳокама йўллари билан хал этилади. Агарда ўзаро муҳокама йўли билан хал этиш имкони бўлмаса Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Хўжалик суди орқали хал этилади.

VII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТЛАРИ

7.1. Шартнома томонлар имзолаб, ҳудудий Ғазначилик бўлимида рўйхатга олинган кундан кучга кириб, 31 декабрь 2022 йилгача амал қилади.

7.2. Шартнома 2 нусхада тузилиб, иккала нусхаси ҳам ҳукукий жихатдан тенг кучли ҳисобланади.

VIII. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

«ХИЗМАТ КУРСАТУВЧИ»


«Нурафшон Электр лойиха» мчж
Манзил: Шахрихон тумани Шахрихон ҚФЙ
х/р: 20208000200203398001

СТИР: 302554740

МФО: 01037

ОКОНХ: 71110

«Кишлоқ қурилиш банк» АТБ Бош
амалиётлар бошқармаси

Рахбар:  З.Ворисов



«БУЮРТМАЧИ»

«Андижон медиатаълим техникуми»

Манзил: Андижон, шах. Хоразми-1 уй

Ш.х/в: 400910860034012092902079001

СТИР:

МФО: 00014

ОКОНХ: 94511

Ғазначилик бўлинмаси номи: Молия Вазирлиги
ғазначилиги ягона ғазначилик

х/р 2340 2000 3001 0000 1010

Тошкент шаҳар Марказий банк ХККМ

МФО: 00014, СТИР-201122919

Рахбар: 

М.Ў.



Т: Сатилбайев. Ҳ 

Ресурсная смета № 16-22/Б

**На установку солнечной фотоэлектрической станции (СФЭС)
системы OnGrid возобновляемой (зелёной) энергии**

№	№ расценок	Наименование работ	Ед. измер	Всего	Затраты труда чел/час за единицу	Затраты труда чел/час за всего
(Сборник 1, Электротехнические устройства, ГК РУз, по АиС, 2006г.)						
1	02-01-048-02	Комплексная наладка и сдача в эксплуатацию, 2 -я категория				125000000
		Солнечные модули 10 кВт (255-305 Ватт)	копм	1		
		Счетчик эл.энергии 3 фазный	шт	1		
		Автоматы 63 А	шт	1		
		Инвертор 10 кВт	шт	1		
		Система крепления СФЭС	комп	1		
		Щит металлический 1000x800x4000	шт	1		
		Кабели, коннекторы MC-4 и прочие комплектующие	комп	1		

Итого к платежу

125000000

